



# Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 4 моддасида меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш белгилаб берилган.

Камситишлар деганда нимани тушунамиз, камситиш тушунчаси қандай, мисол тариқасида келтирсак, бошқа миллат вакили, бошқа ҳудуддан кўчиб келиб ишга жойлашди, ўша жойда эса бир хил миллат вакиллари ишлашади, табиийки инсон характери ҳар хил ва айрим инсонларда шундай характерда бўладики, тушунчаси пастлигидан бошқа миллат вакилига бошқача назар билан қараш унга иш ҳажмини кўп бериш ва бошқа усулларда чекловлар бериб бошлайди, аслида эса бу мумкин эмас.

Жумладан, 4 модда 2 хатбошисида, Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш тақиқланади. Жинси, ёши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, яшаш жойи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик сифатлари ва меҳнати натижалари билан боғлиқ бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнат ва машғулотлар соҳасида бирор-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита чекловлар белгилаш, худди шунингдек бирор-бир тўғридан-тўғри ёки билвосита имтиёзлар бериш камситишдир деб белгилаб қўйилган.

Камситиш деб нималар ҳисобланмайди, бунда, Меҳнат ва машғулотлар соҳасида ходимларнинг ҳуқуқларини меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки юқориқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (оилавий вазифаларни бажариш билан банд бўлган шахслар, вояга етмаганлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ҳомиладор аёллар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлик билан боғлиқ ҳолда асосланган тарзда фарқлаш, истисно этиш, уларга афзаллик бериш, шунингдек уларни чеклаш камситиш деб ҳисобланмайди деб белгиланган.

Фуқаролар ўзини камситилган деб ҳисоблаганда қандай йўл тутиши керак, бунда меҳнат ва (ёки) машғулотлар соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситилиш факти устидан белгиланган тартибда шикоят

қилиши, шу жумладан камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённинг компенсация қилиниши тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин ва ушбу жумлалар 4 моддада батафсил белгилаб берилган.

**Узун тумани адлия бўлими юридик хизмат  
кўрсатиш маркази бош юристконсульти А.Турсунов**